

А Ж Р И М

2023 йил декабрь ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди, Сирғали тумани “Сўғдиёна” МФЙда, очик сайёр суд мажлисида, қуйидаги таркибда:

судья А.Шамахмудов раислигида,

судья ёрдамчиси А.Раимов котиблигида, Сирғали туман прокурор ўринбосари Ж.Оллонов, адвокат Х.Каримова, жабрланувчи Х.Х.Хнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи

Х.Х.Х (Х.Х.Х), 00.00.0000 йилда

туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бева, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам судланмаган, нафақада,

яшовчига нисбатан

1-1011-2307/660-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Х.Х.Х 2023 йил 1 сентябрь куни соат 22:30 ларда бошқарувидаги “Нексия-3” русумли, давлат рақами Х.Х.Х бўлган автоуловини Сирғали тумани Янги Сирғали кўчаси бўйлаб, ТХАЙ кўчаси томондан, Қипчоқ кўчаси томонга, 50-60 км/соат тезликда, чап четки қаторда бошқариб келиб, “Кофелитто” кафеси қаршисида, йўлдаги ҳолатга ва ўзгаришларга эътибор бермасдан, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди г-кичик банди, 109-банди ва 110-банди, яъни “транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак”, “тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб юбориш учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи шарт” ва “агар тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатини секинлаштира ёки тўхтаса, қўшни бўлақларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёда(лар) йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкин” деб кўрсатилган талабларига амал қилмасдан, ҳаракатланиши оқибатида, тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида тўхтаган автоуловлар олдидан, пиёдалар ўтиш жойида унга нисбатан ўнгдан чапга қараб йўлни кесиб ўтаётган пиёда Х.Х.Хни уриб юборган. Йўл транспорт ҳодисаси оқибатида Х.Х.Х тан жароҳатлари олиб РШТЎИМга мурожаат қилган.

Суд тиббий экспертизасининг 2023 йил 10 октябрдаги 0000-Х-Хуж. сонли хулосасига кўра, Х.Х.Хда “чап оёқ тизза бўғими лат ейиши ва тизза бўғимига қон қуйилиши (гемартрози), иккала қўл ва оёқлари юмшоқ тўқималари лат ейиши ва шилинмалари” каби тан жароҳатлари олган



бўлиб, ушбу жароҳатлар ўртача оғир даражадаги тан жароҳатлари эканлиги аниқланди.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи Х.Х.Х ва жабрланувчи Х.Х.Х аризалар билан муносабат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Тошкент шаҳар ИИББ ТБ катта терговчисининг 2023 йил 9 ноябрдаги қарорига кўра, гумон қилинувчи Х.Х.Хга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши, ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи Х.Х.Х суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқдор эканини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганини, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганини баён этиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Х.Х.Х суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Х.Х.Хга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганини, ярашув ҳақидаги аризасини ўз хоҳиши билан ёзганини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганини баён этиб, Х.Х.Хга нисбатан юритилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд гумон қилинувчи Х.Х.Х ва жабрланувчи Х.Х.Хнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурорнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчининг айбига ихтиёрий иқдорлигини ва етказилган зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва фуқаровий даъвогарга бирон-бир тазйиқ бўлмаганини, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишларига кўра бўлаётганини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Х.Х.Хга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Х.Х.Хга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-
моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан
гумон қилинувчи Х.Х.Х (Х.Х.Х)га нисбатан жиноят иши томонлар
ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Х.Х.Хга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта
тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги
тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма кун ичида Тошкент шаҳар судига
апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест
билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

А.Шамахмудов

Ажрим нусхаси аслига тўғри: _____

